

ТҮЁНА (Шеър)

Асотирда келар: найза кўтариб,
Ерни тешиб чиқар митти паҳлавон.
Бу арпа-буғдойга қадимги таъриф,
Эзгулик лашкари, демак, ғалла-дон.

Дейдилар кампирнинг дарди ғозада,
Олимлар минг ўйда қазиб-чопдилар.
Сополлитепадан сирли кўзада
Бир ҳовуч қайроқи буғдой топдилар.

Ўттиз беш асрлик капсан бу бизга,
Уч ярим минг йиллик меҳр тафти бор.
Тупроққа яқинлик мерос улусга:
Кенг феъл, юмшоқ кўнгил, қадоқ кафти бор.

Тупкай ёйгунича бир дона буғдой,
Яшил бошоқчалар бойлагунча сут.
Ўроғини чархлаб ўтаверар ой,
Деҳқонга уйку йўқ, ҳаловат унут.

Бир замон кандикдан буғдой ағдариб,
Эгалик қилолмай ўтганинг ҳаққи,
Ўзинг пахта экиб, оқлик ахтариб,
Хирмонбеги кунни кутганинг ҳаққи –

Уйларинг буғдойга тўлиб турибди!
Олтинтус товланар дала-туз, адир.
Қуёшинг нон тутиб кулиб турибди,
Қадрдон ерингда топмишсан қадр!

Ким енгимдан тортар мўъжиза десам:
Майсаси - сумалак, сомони - емиш.
Нон ушатиш билан тўй-марака ҳам,
Қани, патир синдир, катта тўй келмиш!

Ҳовурин босолмай ёнар саратон,
Ҳавода қовуриб олади донни.
Минг қуллуқ, ташаккур, ҳазрати деҳқон,
Кўзларимга сўрай беминнат нонни!

ТЕПАЛИК

(Шеър)

Тўғри, бу тоғ эмас, оддий тепалик,
Бир қарашда уюм тупроққа ўхшар.
Аммо анов-манов тоғдан қадди тик,
Сири-синоати кўпроққа ўхшар.

Қалъа, қўрғонларнинг бастин кўтарган,
Маҳобат бахш этган мақбараларга,
Юксалиб қарамоқ имконин берган
Олис манзилларга, зов - дараларга.

Аёзқалъа, Эллиққалъа сарбаланд,
Мунчоқтапа, Косой, Қўштепа ёки
Номсиз тепаликлар кўксида қат-қат
Зангларга чулғанган аждодлар хоки.

Қабариклар - нажот тепаликлари:
Тўдалар изғиркан кўтариб ялов,
Хабарлар йўллаган ички юрт сари
Тепаликлар узра тебранган олов.

Асал ҳаволарни бурмасин заҳар,
Кенг диёр бўлмасин дея тору таиғ.
Ўт ёкиб шу ердан берганлар хабар:
«Дарҳол қўшин йиғинг, ёғий босди! Жанг!»

Юлдузларин сочиб тепаликларим
Лаҳзада огоҳлик машъалин ёққан.
Тулпорига эгар-жабдуқ урган ким,
Кимдир совут кийиб, яроғин таққан...

Қулоқ беринг, келар урҳолар саси,
Илғайсиз ғалаба гулдуросини.
Ҳилпираб ўтади она алласи,
Сезасиз тўлишган ой навосини.

Мана, сиз, ҳар тошдан топган фалсафа,
Сизки, янги замон эмизган авлод,
Ота тепаликка кайтинг бир даъфа,
Унутманг, шундадир ҳаёт ва мамот!

Ақлингиз олмасин ҳавойи висол,
Жодугар оламга бўлманг маҳлиё.
Тўрхалтага тушган ҳандалак мисол
Ўргимчак тўрига ўралмиш дунё.

Манфаат тўқнашса, ярадор - виждон,
Урчиб бораётир душман, боқингиз.
Онгу тафаккурга келмасин қирон,
Юрактепаларда гулхан ёқингиз!

Ғофил юракларга юборинг хабар,
Мудроқ нигоҳларни тилиб ўтсин нур.
То асал ҳавони бурмасин заҳар,
Мангу озод бўлсин юрт ва тафаккур!

**Ўзбекистон халқ шоири
Иқбол Мирзонинг
“Айтгил дўстим нима қилдик
Ватан учун?” китобидан**